



O'ZBEKISTON

BUNYODKORI

№52-53 (705-706) 2023 йил 27 июнь, сешанба

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook uzbunyodkor

telegram t.me/uzbunyodkor

email info@uzbunyodkor.uz

website uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Ёнғин содир бўлган бозорда 977 савдо дўкони қурилади

Қўқондаги буюм бозорида содир бўлган ёнғин оқибатида ёниб кетган дўконларни давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари билан бир ой муддатда тўлиқ қайта тиклаб бериш бўйича кенг қўламли ишлар давом эттирилмоқда.

Бозорни қайта тиклаш ва қурилиш жараёнларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун ҳудудда вилоят ҳокимлиги томонидан ишчи штаб ташкил этилди. Фарғона вилоятидаги ташкилот ва идоралардан етарли куч ва воситаларни, 2000 нафардан зиёд ҳашарчини жалб қилган ҳолда бозор ҳудудида 3 кун давомида ёнғиндан кейинги тозалаш ишлари амалга оширилди ва яқунланди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вази-

ри Батир Закиров томонидан бозорнинг лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳожиқўзижон Исақов томонидан вилоят мутасадди ташкилотлари ҳамда қурувчилар иштирокида ишларнинг бориши юзасидан бозор ҳудудида муҳокама йиғилиши ўтказилди. Бозор ҳудудида қуриб битказилиши режалаштирилаётган 977 савдо дўкони, жами 37 қурилиш-пудрат ташкилотларига бириктириб берилди.

Йиғилишда қурилиш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди, ишлар устидан доимий назорат қилиш бўйича масъулларга вазифалар белгиланди. Ҳар бир қурилиш-пудрат ташкилотига бириктирилган қисм бўйича кунлик режа-график тузиш ҳамда унга қатъий амал қилинишини таъминлаш бўйича топшириқ берилди, деб ёзади ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов.

Қурилиш ишларини жадаллаштириш учун пудратчи ташкилотлар ишчиларига бозорга туташ ҳудудда ётоқхона ташкил этиш, қурилиш майдонига кеч соатларда тўлақонли ишлаш учун етарли даражада ёритиш тизими ўрнатиш бўйича мутасаддиларга вазифалар юкланди.

Янги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти тушунтирилди

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюмлари Республика кенгаши билан ҳамкорликда Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасида янги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.



Унда вазирлик Касаба уюмлари кўмитаси раиси Гулшаной Отабаева ва Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими етакчи мутахассиси Мадина Мамадалиева ҳамда Республика касаба уюмлари Тармоқ кенгаши бош мутахассиси Шохиста Чориева қатнашиб, янги кодекс, ундаги ўзгаришлар ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот беришди.

Гибрид шаклда ўтказилган семинарда Наманган вилоятидаги ташкилотлар офлайн, ҳудудий бошқармалар эса "3OOM" платформаси орқали он-лайн шаклда иштирок этдилар.

– Янги Меҳнат кодекси ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларининг мувозанатини таъминлаш

ҳамда уларни мувофиқлаштириш асосида яқка тартибдаги меҳнатга оид ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиди, – деди ўз маърузасида Гулшан Отабаева. – Аввалги Меҳнат кодекси 16-606 294 та моддадан иборат бўлган бўлса, янги Кодекс 34-606 581 та моддадан ташкил топди. Энг аввало, янги Кодексда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг татбиқ этилиш доираси аниқ белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир.

Республика касаба уюмлари Тармоқ кенгаши бош мутахассиси Шохиста Чориева иштирокчиларнинг мавзу юзасидан берган барча саволларига тегишлича жавоб қайтарди.

“Ал Хоразмий” мажмуаси кўздан кечирилди

Вазирнинг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов Хоразм вилоятида бўлиб, “Ал Хоразмий” мажмуасининг қурилиш жараёни билан танишди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Урганч шаҳрида “Ал Хоразмий” мажмуасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 27 июлдаги 410-сон қарори қабул қилинган бўлиб, мажмуа Урганч халқаро аэропорти яқинида 130 гектардан зиёд ҳудудда бунёд этилиши белгиланган.



Бош лойиҳага асосан, мажмуа ҳудудида жами 130 та кўп қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилган. Ҳозирда 70 та турар жойда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Ушбу турар жой бинолари 2023 йил якуни билан фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Бугунги кунга қадар қурувчи ташкилотлар томонидан мажмуада жами 170 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган.

Шерзод Ҳидоятлов мажмуада бунёд этилаётган ҳар бир турар жой ва ижтимоий соҳа объектининг белгиланган талабларга мувофиқ қурилиши, объектга келтирилаётган қурилиш материаллари ва техникаларининг сифати, лойиҳада назарда тутилган регламент асосида қўллаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Шунингдек, турар жой комплексларида сифат назорати доимий олиб борилиши, бу бевосита аҳолининг ҳавфсиз ва қўлай шароитларда истиқомат қилишига замин яратишини таъкидлади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ АМАЛДА

Аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда

Бухоро вилояти Шофиркон туманида “Султонобод” сув узатиш иншооти иш бошлади.

Унда вилоят ҳокими Ботир Зарипов, секторлар раҳбарлари, туман масъуллари, меҳнат фахрийлари, султонободлик аҳоли вакиллари қатнашди. Вилоят раҳбари қишлоқлар аҳолиси турмушидаги бу янгилик билан барчани табриклаб, гидроиншоот қурилишида меҳнат қилган ишчи-мутахассисларга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Бухоро вилояти Шофиркон туманида ҳам кўп йилдирки, истеъмолга яроқли сувни узокдан, турли манбалардан ташиб келиб истеъмол қилаётган аҳолининг ташвиш, муаммоларини тизимли ҳал қилиш саъй-ҳаракатига киришилган. Ҳудудда айнан марказлашган сув таъминоти тизимини жорий қилиш – водопроводлаштириш хусусида гап кетганда, жорий йил бошида туман аҳолисининг атиги 40 фоизи бу имкониятдан баҳраманд бўлаётгани ҳолда манзилли лойиҳалар натижасида бу қамровни кенгайтиришга эришилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан туманнинг Ёждувон тумани билан чегарадош “Султонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам умумий қиймати 5 миллиард 300 миллион сўмга тенг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Бундан мақсад ҳудуддаги Ҳасанхожи, Суғут, Кўлобод қишлоқларидаги жами 431 та хонадон ва уларда истиқомат қилаётган қарийб 2 минг 300 нафар аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондиришди.

– Молиялаштирилган сармояга “Султонобод” сув иншооти барпо қилиниб, 1 минг 600 метр суви сақлаш, филтрлаш ва узатиш резервуари қазиб тайёрланди, – деди Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши

бўйича инженеринг компанияси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси техник назоратчиси Анвар Бекмуродов ЎзА мухбири Зариф Қониловга. – Насос агрегатлари, бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган гидроиншоот билан бирга, юқорида айтилган учта қишлоқ бўйлаб 17,2 километр масофага пластмасс қувур ётқизибли, водопровод тармоғи, кудуқлар ўрнатилди. Лойиҳани амалга оширишда “Саид Муҳаммадамин сервис” МЧЖ сувсозлари алоҳида жонбозлик кўрсатди. Бунда асосий манба эса Ёждувон – Вобкент автойўли бўйлаб вилоят маркази томонига ўтган “Самарқанд – Дамхўжа – Бухоро” магистрал сув тармоғидир. Яқин ўтган йилларда Ёждувон – Шофиркон туманлари оралаб мазкур сув тармоғи ўтказилган эди.

Яна бир аҳамиятли хижати, эндиликда “Султонобод” сув узатиш иншооти орқали туманининг Темиричи ва Неккиши қишлоқлари аҳолисини ҳам ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбири қўрилмоқда.

Бу ҳудудда пудратчи “Ремстройкомплект инвест инженеринг” МЧЖ томонидан икки қишлоқ кўчалари бўйлаб узунлиги 25,6 километр масофадаги водопроводлаштириш тармоғини қуриш ишлари бир неча ой бурун бошланган ва шу кунларда сўнгги монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Яқин кунларда ҳудуддаги 1 минг 500 дан ортиқ хонадон ва уларда истиқомат қилаётган жами 7 минг 300 га яқин аҳоли “оби ҳаёт” таъминотидан баҳраманд бўлади. “Бухоро сувтаъминот” МЧЖ дан олинган маълумотга кўра, юқоридаги аҳоли пунктлари каби айни пайтда туманда ўндан ортиқ маҳалла ва қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш орқали жорий йил якунига қадар “оби ҳаёт” қамровини 70 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Маҳалланинг янги биноси фойдаланишга топширилди

Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги “Бешработ” маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари янги бинода фаолиятини бошлади.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрда “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Унга кўра, барча ҳудудларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини тизимли ва режали амалга ошириш учун “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари йиғма параметрлари” тасдиқланган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, “Бешработ” МФЙ биноси “Ванғози чорғузар 2000” МЧЖ томонидан қисқа муддатларда бунёд этилди. 764 миллион сўм маблагъ эвазига қуриб битказилган бинода барча шароит яратилган.

– Айни пайтда маҳалламизда 760 та хонадонда 2920 нафар аҳоли истиқомат қилади, – деди маҳалла раиси Отабек Акрамов ЎзА мухбири Абдували Бўриев. – Шу кунга қадар ходимла-

римиз 3 та хонада фаолият олиб бораётган эди. Янги бинода ходимларнинг иш олиб бориши учун барча шароит ва қулайликлар мавжуд. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бу каби имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, ишсизлик даражасини камайтириш учун бор куч-ғайратимизни ишга соламиз.

Маҳалла биносининг очилиш маросимида мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди ва яратилган қулайликлар билан яқиндан танишди.

Туманда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4 та маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг янги биносига эга бўлди. Бу борадаги ишлар эса давом эттирилмоқда.



Қарор ижроси юзасидан семинар ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрель кунги ПК-118-сонли қарори ижроси юзасидан Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасида семинар ташкил этилди.

Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Иссиқлик таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари И. Тўраев, Лойиҳа фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси Р. Қўчқаров, Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Андижон филиали, “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК ташки-



лотларидан вакиллар ҳамда дастур лойиҳачилари ва пудратчи ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар.

Семинар иштирокчилари дастур-

да белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича юзага келаятган камчилик ва муаммоларни муҳокама қилдилар. Уларни бартараф этиш

чора-тадбирлари юзасидан мутахассисларнинг таклифлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этиш чоралари кўриб чиқилди.

Юқоридаги қарор ижроси юзасидан Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ҳам семинар бўлиб ўтди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутахассислари, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд ва Қашқадарё филиаллари, “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК ташкилотларидан вакиллар ҳамда дастур лойиҳачилари ва пудратчи ташкилотлари раҳбарлари иштирок эттишди.

Тадбирда қарорнинг мазмун-моҳияти, унинг жамият ҳаётини оптималлаштиришдаги ўрни бўйича илгиланларга афтоқчи маълумот берилди. Шунингдек, семинар иштирокчиларининг дастурда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича юзага келаятган камчилик ва муаммолари тингланган. Мазкур масалаларга ечим топиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

“Янги Ўзбекистон” массивларига медиа-тур ташкил этилди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабридаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларида 33 та янги уй-жой массивларини қуриш белгиланган.



Айни пайтда Қўнғирот туманида 10 та, Қонликўл туманида 10 та, Кегейли туманида 7 та, Қораўзак туманида 6 та янги турар жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Бугунги кунда кўплаб турар жойларда якунловчи қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш ишларини кўздан

кечириш, янги уйларнинг афзалликлари, у ердаги қулайликлар билан таништириш ва тарғиб қилиш мақсадида “Янги Ўзбекистон” массивларида медиа-турлар ташкил қилиняпти. Яқинда Қораўзак ва Қонликўл туманлари ҳокимликларининг ташаббуси билан ташкил этилган медиа-турда ҳокимлик вакиллари, қурилиш мутахассислари, партия фаолла-

ри, нурунийлар, ёш оилалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Хусусан, Қораўзак туманида 2022-2024 йилларда 5 қаватдан иборат 654 квартирали 22 та кўп қаватли турар жой қуриш режалаштирилган бўлиб, шундан, “Есим” ОФЙдаги 10 гектар ер майдонида 168 хонадонли 6 та турар жой, 330 ўринга мўлжалланган 1 та мактаб, 180 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилоти барпо этилмоқда. Медиа-тур иштирокчилари замонавий қиёфаға кириб бораётган ҳудуд ва аҳоли учун яратиладиган қулайликлар билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, Қонликўл туманида ташкил этилган медиа-тур давомида иштирокчилар “Наврўз” ОФЙдаги 14 гектар ер майдонида қурилиши режалаштирилган 300 хонадонли 10 та турар жой ва 1 тадан мактаб ва мактабгача таълим ташкилотининг қурилиш ишлари билан танишдилар.

Келгусида Қўнғирот ва Кегейли туманларида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивларига ҳам медиа-тур ташкил қилиш режалаштирилмоқда.



Хушхабарликларнинг хурсандчилиги

Азиз МАШРАБОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бу сафарги манзилимиз – вилоят марказидан 220 километр узоқликда жойлашган Сариосиё туманидаги Хушхабар қишлоғи бўлди. Туман марказидан 60 километр узоқликда жойлашган қишлоққа етиб бориш учун автомобиль йўли орқали 50 километр, Тўпаланг дарёсида ҳарбий қайиқда 15 км ва 7 километр масофани пиёда босиб ўтиш лозим. Ушбу қишлоқ аҳлига туман марказига бориш анча қийинчилик туғдирар экан. Сабаби, қишлоқ Ҳазрати Султон чўққисининг энг юқори нуқталаридан бирида, денгиз сатҳидан 2500 минг метр баландликда жойлашган. Аҳоли билан суҳбатлашганимизда бозорга бориб-келиш учун анча вақтлари кетишини таъкидлашди.



Йўл олислиги туфайли 3 соат пиёда юриб, қишлоққа етиб келдик. Сўқмоқ ва жарликлардан юриш хавфлилиги учун хайвонлар кучидан ҳам фойдаланишга тўғри келди. Қишлоқ жуда баланд ерда жойлашгани учун ичимлик суви қувурларини олиб бориш кўп харажат талаб қилади. Шу боис, аҳоли табиий булоқ сувини истеъмол қилади. Уша аjoyиб табиий булоқни бориб кўрдик. Маҳаллий аҳолининг айтишича, булоқнинг ўзига яраша тарихи бор.

Қишлоқ аҳлининг айтишича, қадимда бир чўпон бўлган экан. Далада чанқаб қўйларни боқиб юрганда, чеккароқ жой-

да тикон (янтоқ) устидаги ариларга қўзи тушади. Шу жойни қовлаб, тошларни олса, булоқ пайдо бўлибди. У пастга тушган, одамларга шифобахш сув борлигини айтади. Шу-шу, бу ерда қишлоқ пайдо бўлган экан.

Бугунги кунда қишлоқдаги 65 нафар аҳоли шу булоқ сувидан фойдаланиб келмоқда. Булоқдан август-сентябрь ойларида бир дақиқада бир литр, соатига эса 60 литр сув чиқар экан. Аҳоли томонидан пастроқда кичик қудуқча қурилган бўлиб, булоқ суви беҳуда оқиб кетмасдан, шу қуқурчада ййгилиб туради.

Хушхабар қишлоғидаги мўъжазгина 46-сонли мактаб биносиға ҳам қўзимиз тушди. 5 нафар ўқитувчи 14 ўқувчига сабоқ берар экан. Ушбу мактаб ўқитувчиларидан бири Хусин Муҳибуллоевнинг айтишича, қишда бу ерда жуда қаттиқ совуқ бўлади. Мактаб таъмирга муҳтож. Ўқувчилар қишда совуқдан қийналишади. Туман мактаб ва мактабгача таълим бўлими раҳбари Тожиқдин Ўзбеков билан телефон орқали боғланганимизда, август ойига қадар мактаб кўмир билан таъминланиши ҳамда Вачақ қишлоғига катта мактаб қуриб берилишини айтди.

Қишлоққа 2017 йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қуёш панеллари берилган экан. Йиллар ўтиб, бу панеллар ҳам эскириб қолган.

– Юқорига қараб кетган паст ва қия жарликлардан олиб борувчи сўқмоқ йўллар газ ходимларига анча қийинчилик туғдирган бўлса-да, манзилға етиб борган қишлоқдаги 7 та хонадон аҳлининг хурсандчилигини кўриб барча қийинчиликлар эсимиздан қикди, – деди “Сариосиётумангаз” газ таъминоти бўлими ходими Азиз Тоғаев. – Боиси, ушбу қишлоққа биринчи маротаба газ баллонлар олиб келинди. Йиллари бу жойларға умуман газ олиб келинмаган экан. Чунки автотранспорт йўлининг ўзи йўқ. Қишлоқ аҳолиси сўқмоқ йўллардан қўшни шаҳар ва қишлоқларға бориб келишади.

– Вилоят марказидан жуда олисда яшаймиз, – деди қишлоқ фуқаросидан бири, ҳожи бобо Жонмаҳмат Раҳмонов. – Бу манзилларға газ баллон келади, деб уйламаган эдик. Газ баллонлар келди, қийинчиликлар ортда қолди. Газ таъминоти ходимларига катта раҳмат, баллонларни жойлаштириш, уларнинг хавфсизлиги ва қандай ишлатиш кераклиги бўйича маълумотлар беришди.

Қувонарли жиҳати, ҳозирда “Тўполон” сув омборининг юқори қисмида йўл қурилиши ишлари олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳа амалға ошса, тараққиётдан узилиб қолган Хушхабар, Карш ва Вачақ каби тоғ қишлоқлари ҳам энг ривожланган туризм объектиға айланиши шубҳасиз. Бу ҳақда яқинда Карш, Вачақ ва Хушхабар қишлоқ аҳолиси учун вилоят ҳокими томонидан ўтказилган сайёр қабулда ҳам алоҳида таъкидлангани фикринининг исботидир.

Муқобил энергиядан фойдаланиш давр талаби

Йил сайин барча жабҳаларда улкан ўзгаришлар юз бериб, янги турар жой бинолари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий иншоотлар қуриб фойдаланишға топшириляпти. Бу эса электр энергиясига бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Юз бераётган бундай янгиланишлар корхона ва ташкилотлар, аҳоли хонадонларида муқобил электр энергиясидан фойдаланишни талаб этмоқда.



Президентимиз 2022 йил 25 ноябрь куни Навоий вилоятиға ташрифи чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари суриб, вилоят электр энергиясини тежаш бўйича намуна бўлиши ва бунинг учун барча ташкилотларға юз фоиз қуёш панеллари ўрнатилиши юзасидан ўз тақлифини берган эди.

Қизилтепа тумани бўйича умумий ҳисобда ташкилот ва корхоналар, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли хонадонларига жами 3,1 МВт қувватдаги қуёш панеллари ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 1,6 МВтга тенг бўлган қуёш панеллари ўрнатилди.

– Бугунги кунда туманимизда Президентимиз ташаббуси, қолаверса, жорий йилнинг 16 февраль куни қабул қилинган “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган, – деди туман электр таъминоти корхонаси қайта тикланувчи манбалардан электр энергия ишлаб чиқарувчилар билан ишлаш муҳандиси Бобур Болтаев. – Мазкур қар-

роғға кўра, ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллиги қопланишини таъминлаш, бу борадаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда инвесторлар учун қулай шароитлар ва рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш белгиланган. Шу кунға қадар туманимизда ижтимоий соҳа объектларига 0,6 МВт, тадбиркорлик фаолияти билан шугўлланувчи субъектлар биноларига 0,7 МВт, аҳоли хонадонларига эса 0,30 МВт қувватга эға бўлган қуёш панеллари ўрнатилди.

Туманда 45 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларнинг ойлик истеъмоли ўртача 57142 кВт/соатга тенг. Бугунги кунда 4 та мактаб биноларига 35 кВт/соатга тенг қуёш панеллари ўрнатилган. Ҳисоб-китобларға кўра, ўртача ойлик истеъ-

мол 54510 кВт/соатни, иқтисод қилинган энергия эса 2632 кВтни ташкил этмоқда.

– Мактабимиз 420 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда 587 нафар ўқувчига 61 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда, – деди 7-умумтаълим мактаби директори Ҳаловат Истамова ЎЗА мухбири Абдували Бўриевға. – Мактабимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 1500-1600 кВт атрофида. Ўтган йил охирида қуввати 5 кВт/соатга тенг қуёш панели ўрнатгандик. Натижада ҳар ойда 400-600 кВт атрофида электр энергияси иқтисод қилинмоқда. Мактабимизда электр энергияси узилишлари қузатилмайди. Бундан кўринадикки, қуёш панели ҳар томонлама фойдалидир.

Албатта, бугунги кунда қуёш панелдан фойдаланиб келаётган хонадон соҳиблари унинг фойдали жиҳатларини англаб етмоқда. “Гумбаз” МФЙ Рўзибиён массиви 16-уйда истикомат қилувчи Гулмира Хайриддинова ҳам хонадонига қув-

вати 2 кВт/соатга тенг бўлган қуёш панели ўрнатган.

– 28 йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлаб келаман, – деди Гулмира опа. – 2 нафар фарзандим, 2 нафар неварам бор. Ўртача ҳар ойда 120-160 кВт электр энергияси ишлатамиз. Жорий йилнинг апрель ойида қуёш панели ўрнатдик. Икки ой давомида 30-50 кВт атрофида ортиқча электр энергияси сотдик.

Дарҳақиқат, муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш табиий манбаларни иқтисод қилиш билан бирга электр энергияни тежаш ва унинг самарадорлигини оширишға хизмат қилади. Қолаверса, юртимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланадиган фуқароларға бир қатор солиқ имтиёзлари берилган. Яъни, уй-жойларда амалдаги энергия ресурслари тармоқларидан тўлиқ узилган ҳолда муқобил энергия манбаларидан фойдаланадиган жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғидан озод қилинади.

Қуёш панелларига талаб юқори

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Республикамызда муқобил электр энергияси ва ундан фойдаланишға бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Сабаби, қуёш панелларидан олинаётган электр энергиясининг оила учун беминнат кўмакчи эканлигига ишонч ҳосил қилган кўпчилик шахсий хонадон эгалари ундан аллақачон фойдаланишни бошлаб юборишди. Олдинлари хонадон эгалари ҳар бир ишлатган электр энергияси учун пул тўлаётган бўлса, эндиликда пул ишлашни бошлашди. Тома-тома кўл бўлур деган нақлга амал қиладиган бўлсак, бу ҳам оила бюджети учун яхшигина даромад.




Хоразм вилоятида жорий йилнинг шу ойиғача “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг вилоят филиалиға 628 нафар хонадон эгаси ўз эҳтиёжидан ортган электр энергиясини сотиш учун ариза топширган. Қуёш панелларини ўрнатган истеъмолчиларға субсидия солиқ органлари томонидан ҳар ойда “Soliq.uz” мобил иловаси орқали ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25 санасигача фуқароларнинг банк пластик картчасига ўтказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, вилоятда жорий йилда ижтимоий соҳа объектларига 605 та қуёш панели ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 420 таси

ўрнатилган. Уларнинг 160 таси билан таъминот корхонаси ўртасида шартнома тузилган. Вилоят прокуратураси томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш натижасида бошқа тадбиркорлик объектларига ҳам қуёш панеллари ўрнатилиши жадаллаштириляпти. Жумладан, Урганч шаҳрида жойлашган умумий овқатланиш шохбчаси ва автотураргоҳға 100 киловаттлик қуёш панели ўрнатилиши таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, қуёш панеллари ўрнатиш ишлари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида жадаллик билан олиб борилмоқда.



МАТБУОТ КОТИБИ – ташкилот ва жамоатчилик ўртасидаги кўприк



Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун жамиятимизда матбуот хизматларининг ўрни катта. Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ахборот шаффофлигини таъминлашда уларнинг зиммасига кўплаб вазифалар юклатилган. Андижон вилояти Қурилиш боз бошқармаси Матбуот хизмати раҳбари Сардорбек Отажонов буни яхши тушунади. Шу боис, ҳар бир вазифага масъулият билан ёндашади.

– Кўпчилик матбуот хизматининг вазифаси соҳага оид маълумотларни оммага етказишдан иборат, деб ўйлайди, – дея тушунтиради Сардорбек биз билан суҳбатда. – Аслида, ваколатимиз доирасидаги ишлар кўлами нисбатан кенг. Энг аввало, жамоатчилик билан ишлашга алоҳида эътибор қаратимиз. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўндан ортқ мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг барчаси қаноатлантирилди.

Дарвоқе, Сардорбек учун фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Зеро, ҳар бир сўрас бўлганда соҳага оид энг долзарб масала мужассас ортида.

– Мисол учун, – суҳбатда давом этади у. – Яқинда Андижон шаҳридаги “Саноат” МФИдан мурожаат келиб тушди. Унда аҳоли манзилида барпо этилаётган кўп қаватли турар жой биноси қурилишида амалдаги тартибларга риоя этилмаётганлиги маълум қилинган. Матбуот хизмати бошқарма томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳи билан ҳамкорликда мурожаат юзасидан ўрганиш ишларини олиб борди. Натижада, аслида уч қаватга мўлжалланган объектда беш қаватли бино қад ростлаётгани аниқланди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида юз берган ноқонуний хатти-ҳаракатга барҳам берилди.

Бугун республикаимизнинг энг чекка ҳудудлари ҳам бунёдкорлик майдонига айланган. Қайсидир кўчада электр тармоқлари янгиланаётган бўлса, бошқасида ички кўчалар асфальтлаштирилмоқда. Янги турар жой бинолари қад ростлаб, аҳоли учун қулай шaroитлар яратилляпти. Буларнинг барчаси матбуот хизмати ходимлари нигоҳидадир. Улар соҳага оид янгиликларни оммага етказиш билан

бир қаторда, қурилиш сифатига бўлган эътиборни ҳам кўздан қочираётгани йўқ. Афсуски, ҳамма объект ҳам амалдаги тартибларга риоя қилинган ҳолда барпо этилмоқда, деб бўлмайди. Баъзан қурилиш жараёни билан танишар эканмиз, белгиланган меъёрларга амал қилинмаётганини кузатамиз. Бу масалага ваколатимиз доирасида ёндашиш орқали қурилиш соҳасидаги сифат даражасини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Сардорбек сўнгги ўн йил давомида матбуот соҳасида самарали хизмат қилди. Ҳозир ҳам телевидение йўналишида куннинг энг муҳим воқеаларига оид лавҳалари билан иштирок этиб келмоқда. Бирок, матбуот хизматидаги фаолиятининг аҳамияти ўзгача.

– Журналист сифатида ахборотни етказиб берувчи вазифасини ўтаган бўлсам, матбуот хизмати ходими сифатида ахборотгача бўлган жараёнда бевосита иштирок этияман, – дея тушунтиради Сардорбек суҳбат давомида. – Мухбир воқеани борича кўрсатади, матбуот хизмати ходими эса ўша ахборот шаклини олдидан тайёрлайди. Яъни, айтийлик, бир бино фойдаланишга топширилмоқда. Уни ўз эгасига сифатли етказиб беришгача бўлган ҳар бир жараёнда иштирокимиз бор. Шу боис, ахборот шаклини яратувчи инсонга ўхшатаман ўзимни.

Бугунги кунда матбуот хизматлари ташкилот ва фуқаро ўртасидаги кўприк вазифасини ўтамоқда. Шу боис, халқнинг маълум бир объектга нисбатан ишончи матбуот хизмати ходимининг ўз вазифасини нечоғли адо этаётганига ҳам боғлиқ. Бу борада Сардорбекдан ўрнак олса, арзигулик жиҳатлар кўп. Зеро, ўз касбини севган, унга масъулият билан ёндаша олган ходимларгина намуна мактабини яратадилар.

Газетанинг кучи

Болтабой МУҲАММАД ҚУРБОН, журналист.

5-синфдан бошлаб газета ва журналларга турли мавзуларда мақола ёзишни бошлаганман. 7-8-синфга чиқиб эса шеърлар, кичик-кичик хикоя ва масаллар ёзардим. Шу боис, мактабни томонлаган пайтимда газетчиликка кўлим анча келишиб қолган эди.



Бир кун туман газетасида “Чайқовчи” сарлавхали ҳажвий шеърим босилиб чикди. У пайтлар газеталар кўп минг нусхада босилар, обуначилар ҳам сероб эди. Орадан уч кун ўтиб, биздан беш-олти ўй нарида яшовчи ёши эликка бориб қолган Иброҳим испи (испуклант – олибсатор) деган киши кириб келди. Отам билан тоқларни очаётган эдик. У киши ҳовлига кела солиб, бақира кетди:

– Шоир қани, шоир? Бир кўриб қўяйлик, биззи азаматни. Отам ҳам, мен ҳам тўғриси, ҳайрон бўлиб қолдик. Биз хали гап нима ҳақдалигини тушунмай туриб, у яна вайсай кетди:

– Ота, болага шундай тарбия бераяпсизми? Келиб-келиб ўзининг қўшинисини газетга ёздадими?

Мен ниманидир тушунгандай бўлдим. Отам ҳам мени газетга у-бу ёзиб юрганимдан хабардор эди. Чунки таҳририятдан ҳар ой 20-30 сўм қалам ҳақи олардимда.

– Ҳов, Иброҳим кел, кел. Нима гап, бундай ётиги билан тушунтирсангчи, бизни ўғил бирон айб иш қилиб қўйибдими? – деди отам бир менга, бир ҳадеб бақираётган Иброҳим испига қараб.

– Мана бу ўйлингиз мени газетга ёзибди, – деб қўлидаги газетани отамнинг бурнини тагигача келтирди.

Отам газетани қўлига олиб шошмасдан кўзойнагини тақдиди, журтагами шеърни овоз чиқариб ўқиди. Ўқиб бўлгач, “боглабсанку хумпар” деб елкамга уриб қўйди.

– Иброҳим, биринчидан, шеърда сенинг исминг ёзилмаган. Буни адабиёт дейдилар. Иккинчидан, ўз қилмишингга икор бўлиб келганинг шеърнинг кучини кўрсатиб турибди. Тўғрида, балодай кучинг бор, далада ишласанг бўлмайдимиз хотинларни қўйлагини беш сўмга олиб, ўн сўмга сотгунча, – деди отам жаҳл билан.

– Ҳей садқайи ота кетинг-эй. Келиб-келиб дардимни сизга айтдимми?

– Иброҳим, оғзингга қараб гапир, тилингга эрк берма. Агар яна жанжал қилиб келадиған бўлсанг, болага айтаман кейинги гал шеърга исмингни ҳам қўйиб чиқаради.

Иброҳим испи қандай тез келган бўлса шундай тез чиқиб кетди. Отам белкуракни ерга қалқанчасига қўйиб устига ўтирдида, қўлидаги газетани яна ўқишга тутинди.

– Аммо, барибир боғлабсан, бола. Тузук, тузук. Шеъринг тўғри нишонга тегибди-я.

СамДАҚУнинг ишончли вакили

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун матбуот хизмати, матбуот котиби деган тушунчалар янгилик бўлмай қолди. Айнан уларнинг самарали меҳнати туфайли ташкилот фаолияти юзага чиқиб, жамоатчилик билан алоқалари ривожланмоқда. Жонқуяр матбуот котибларини бир сўз билан ташкилот имижи, ишончли вакили десак, адашмаган бўламиз.



Айни пайтда Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети матбуот котиби сифатида фаолият юритиб келаётган Жавлон Содиковни ҳам бемалол СамДАҚУнинг ишончли вакили, десак арзийди. Ҳамкорлигимиз давомида унинг ишига масъулият билан ёндашиши ва сўралган маълумотни ўз вақтида етказишга кўп бор амин бўлганмиз.

Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳрида зиёлилар оиласида туғилиб ўсган Жавлонга асли қурилиш соҳаси бегона эмас. Дадаси қурувчи-архитектор, онаси эса мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Архитекторнинг ўғли эмасми, Жавлон ҳам болалигиданоқ расм чизишга, чизмачилик фанига қизиқиб ўлғайди.

– Ота касбига қизиқишим баланд бўлганлиги боис, 2014 йил раҳматли дадам ўқиган институтга, яъни Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига (ҳозирги университет) ўқишга кирдим, – деди Жавлон биз билан суҳбатда. – Талабалик давримнинг 2-3-босқичларида “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ёшлар иттифоқида фаолият юритганман. Айнан шу пайтда матбуотга, журналистика соҳасига илк қадамни қўйдим. Бунда устозим Ориф Ҳайтовнинг ҳиссаси катта бўлди. 2016-2017 йилларда Ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган “Ёш репортёрлар” семинарида қатнашиб, тажрибали журналистлардан соҳага оид кўплаб профессионал сабоқларни ўзлаштирдим. Шу-шу, журналистика ва матбуот хизматида дастлабки билим ва кўникмаларни олиб, ўз устимда ишлай бошладим.

Талабалик пайтида архитектура соҳасидан ташқари, фото ва видео олиш, уларнинг материалларини сифатли тарзда ижтимоий тармоқларда ёритиш – Жавлоннинг сеvimли машғулоты эди. Олийоҳи битирган пайтда унинг олдиди икки йўл бор эди. Университет раҳбарияти таклифига кўра, шу ерда қилиб ишлаш ёки Навоий тоғ-кон металлургия комбинатида ишга кириш. Олий таълимдаги ўқиш ҳамда фаолиятини давом эттириш мақсадида университетда матбуот котиби бўлиб ишлашни танлаган Жавлон бугун ўз соҳасининг малакали мутахассисига айланган.

– Биласизми, матбуот котиби универсал ходим, у кези келганда дипломат, ҳуқуқшунос сифатида ҳар қандай вазиятда ишга профессионаллик билан ёндашиши керак, – деди қаҳрамонимиз. – Бошида озгина қийин бўлди, янгиликлар, жараёнлар, журналистлар билан мулоқот қилишнинг ўзига яраша мураккаб томонлари ҳам бор. Устозлар билан бирга ишлаш жараёнида билмаганимни сўраб ўргандим, изландим, ҳуллас, ташкилотнинг ижобий имижини яратишда ўзимда куч топа олдим. “Менимча, матбуот соҳасига кириб келишингда бобондаги иқтидор сенга ўтган” дейди аяжоним. Чунки бобом она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлган, шеърый китоб-

лар чоп эттирган. Мен бунга жавобан, “Дадамдан сурат чизишни, сиздан раҳбарликни, бобомдан қалам тебратишни ўрганиб, барчасини умумлаштирганман”, дейман.

2022 йил Жавлон Содиков учун омадли йиллардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш институтида малака оширишга муваффақ бўлди. Ёш раҳбарлар қатори у ҳам 4 ой давомида сиёсий, ижтимоий, психологик, муомала маданияти ва бизнес соҳаларига оид кенг билимларни ўзлаштирди. Амалиёт жараёнида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот хизматида “Ёшлар ўртасида интернет хуружларига қарши психологик кўникмаларни шакллантириш” мавзусида битирув малакавий ишини устозлари Мўмин Ибодов, Элдор Бозоров ҳамда Зафар Амиркулов билан биргаликда тайёрлади. Шу билан бирга, профессионаллар жамоасида соҳага оид жараёнларда иштирок этиб, тажрибасини бойитди.

Ҳабарингиз бор, ҳозирги кунда СамДАҚУ ПК-416-сонли Президент қарорига асосан университетга айлантирилди. Айни пайтда университет фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Яқинда Жавлон Содиков раҳбарлик қилаётган университет ахборот хизмати фаолияти Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Иброҳим Абдурахмонов томонидан республика олий таълим муассасалари ўртасида намунали йўлга қўйилган, дея алоҳида эътироф этилди. Бу ҳам бўлса, ёш ва умидли ҳамкасбимизнинг журналистика соҳасида эришган ютуқларидан бири десак, арзийди.

– Касбимни ўзгартириш ҳақида баъзан ўйлаб қоламан, – деди суҳбат сўнггида Жавлон. – Аммо кимгадур муҳим ахборотни етказгач, “Раҳмат сизга, баракат топинг! Мен учун жуда муҳим маълумотни етказдингиз...” деган гапини эшитсам, фикрим яна ўзгариб, ишимга, касбимга бўлган мотивациям орта бошлайди. Касбимдан фахрланаман. Талабаларга, профессор-ўқитувчиларга, юртимиз фуқароларига ташкилот номидан сифатли ахборот етказиб, мушқулини оз бўлсада енгиллаштираётганимдан фахрланаман.

Жавлоннинг келажақдаги орзулари ҳам улкан. Ташкилот имижини, обрўини ҳамда рейтингини юқори ўринларга кўтариш – унинг асосий мақсади. Шу билан бирга, илмий ишини давом эттириб, талабаларга компьютерда дастурий илмларни ўргатишни ният қилган. Ўзининг таъбири билан айтганда, ҳоқ матбуот котиби бўлсин, ҳоқ ўқитувчи – касбини чин юракдан адо этиш унинг энг олий бурчи.

Ана шу юксак марраларни забт этишда биз ҳам унга омад тилаймиз!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Оқова сув иншооти барпо этиляпти

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жалақудуқ туманида оқова сув тизими барпо этилиши натижасида 18 минг нафар аҳоли ва юзлаб ижтимоий объектларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади.




– Туманимизда янги турар жой биноларининг қурилиши аҳолига янги қулайликларни яратиш имконини бермоқда, – деди “Андижон сув таъминоти” МЧЖнинг Жалақудуқ тумани филиали раҳбари Қаҳрамон-жон Турғунов. – Мисол учун, 600 м³ қувватга эга бўлган то-залаш иншооти, насос станция-си ва 8 километрдан иборат тармоқ тортиш ишлари олиб бориляпти. Лойиҳа фойдала-нишга топширилгач, “Туялас”, “Шар-хончеки” ва “Қиличмозор” МФЙларида истиқомат қилаётган ҳамюртларимиз турмуш шароити янада яхшиланади.

Умуман олганда, сўнгги йилларда Андижон вилоятида 131 млрд сўм маблаг ҳисобига 91 километр оқова сув тармоғи

ва 6 дона оқова сув иншоотида қури-лиш-таъмирлаш ишлари олиб борили-ши туфайли 25,7 минг нафар аҳоли илк бор оқова сув хизмати билан таъмин-ланган бўлса, 70 минг нафар ҳамюртла-римиз намунали хизматдан баҳраманд бўлмоқда.

Тақчилликнинг олди олинмоқда

Сув тақчиллиги билан боғлиқ муаммолар бутун жаҳон ташвишига айлангани ҳар биримиздан муқобили йўқ неъматдан унумли фойдаланишни тақозо этади. Шу орқалигина мавжуд муаммога ечим топиш мумкин.



Бу борада Андижон ви-лоятида мақсадга йўналти-рилган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Норин-Қорадарё” иррига-ция тизимлари ҳавза бош-қармаси томонидан ариқ ва зовурларни тозалаш, канал-ларни таъмирлаш орқали сув исрофгарчилигининг олди олинпти.

Шунингдек, Улугнор ту-манидаги “Х-74-а” канали ҳам мутлақо янги ҳолатга келти-рилмоқда. “Яхшилик сари” МЧЖ ходими Қобилжон Абдуллаевнинг маълум қили-шича, 4 млрд 500 млн сўмлик лойиҳа ишлари доирасида канални бетонлаш, сув тақсимлаш мосламаларини ўрнатиш амалиётлари давом этмоқда. 180 кун-лик саяё-ҳаракатлар натижасида объ-

ект энг замонавий ирригация тармоғига айланади.

Ушбу жараён якунига етгач, нафақат сув исрофгарчилигининг олди олинади, балки 1800 гектардан иборат экин май-донининг сув таъминоти сифати янада яхшиланади.

Кўрғонтепаликлар бугунги кунидан мамнун

Сўнгги йилларда республикамизда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга бўлган эътибор ҳар доимгидан ортган. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарор ижросини таъминлаш доирасида амалга оши-рилган ишлар туфайли ҳамюртларимизнинг узоқ йиллик муаммолари ижобий ечим топиб, ҳудудлар инфрату-зилимаси яхшиланяпти. Биргина Кўрғонтепа туманининг



ўзйда 44 миллиард 680 миллион сўмлик лойиҳа ишлари бажарилиб, 80 минг нафардан зиёд аҳоли учун қулай ша-роит яратилди.

– Маҳаллаими тумanning энг чекка ҳудудида жойлаш-ганлиги боис бу каби ўзгаришларни озу қилардик, хо-лос, – деди Қирлик маҳалласида истиқомат қилувчи Абду-рахимжон Хўжамбердиев. – Бугун орузларимиз ушалди, йўлимиз асфальтланиб, тоза ичимлик суви, электр энер-гияси билан боғлиқ муаммоларимиз ҳал бўлди.

Аҳолининг бугунги кунидан миннатдор бўлиб яша-ши учун ушбу манзилда шу кунгача 5 километр масофа-дан иборат ички кўчаларда асфальтлаш ишлари амалга оширилган бўлса, мавжуд битта сув қудуғида таъмир-лаш ишлари олиб борилиб, ичимлик сувига бўлган эҳтиёж қондирилди. 2 миллиард 700 миллион сўмлик лойиҳа туфайли маҳалла энг намунали ҳудудлардан би-рига айланди. Қувонарлиси шундаки, бу каби хайрли ишлар тумандаги 45 та маҳаллада кенг қўламда давом этмоқда.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Улкан режалар асосида ишлар давом этмоқда

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ургут туманининг республикамизда ўз ўрни, салоҳияти бор. “Инсон қадрини улуғлаш ва сифатли таълим” йилида туман аҳли ўз турмуш тарзини янада яхшилашга интилмоқда. Бунинг учун улғувор режалар белгилаб олинган. Ўтган даврда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида бир қатор бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бундай ҳаракатлар қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришга, одамлар турмуш тарзининг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Хусусан, туманда “Обод марказ” инвестиция дастури доирасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қатор иншоотлар, турар жойлар барпо этил-ди. Бир пайтлар Ургут шаҳридаги катта бозор қатновга ҳалақит берар, маҳал-лий аҳоли учун ноқулайликларни юзага келтирарди. Бугун эса бозор марказдан узоқроққа, одамлар учун анча қулай жойга қўчирилган. Ундаги барча ин-шоотлар замонавий лойиҳалар асоси-да қурилган. Туман марказида янгидан барпо этилган маданият ва истироҳат боғининг гўзаллиги ва орасталиғи ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиряпти. Маҳаллалар, кўчалар, барча ижтимо-ий объектлардаги кўркамлик дилларни мафтун этади.

Бугун ҳам замонавий ва ўзига хос лойиҳалар асосида турар жой бинолари қурилиши жадал давом этмоқда. Прези-дентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги фармони бунёд-корлик ишларининг авж олишини янада тезлаштирди. Мазкур қарорга мувофиқ массивларда барпо этилаётган уйлар-нинг ҳар томонлама қулай бўлишига эъ-тибор қаратилляпти. Бундай ҳудудларда уй-жойлардан ташқари, мактабгача таъ-лим ташкилоти, мактаб, тиббиёт муассас-си, қўлаб хизмат кўрсатиш шохобча-лари барпо этилмоқда.

Тумanning “Камангорон” МФЙ Мер-ганча ҳудудида қурилаётган “Янги Ўзбе-кистон” массиви юқоридаги фикрлар-нинг исботидир. Мерганчанинг кенчаги қиёфаси билан бугунги ўртасида катта фарқ бор. Энди одамлар турмуш тарзини айнан обод ҳудуд билан боғлашга инти-лишяпти. Улар ўз хусусий бизнесларини ҳам шу ерда йўлга қўйиш ҳаракатида.

Айтиш керакки, “Янги Ўзбекистон” массивлари том маънода Ўзбекисто-

нимизнинг янги қиёфасини белгилаб беришга, одамлар шууридаги ўзгариш-ларга, қалбларидаги қатъий ишончга хизмат қилади. Ургут туманида барпо этилаётган массивлар мисолида ҳам бу-нинг гувоҳи бўлиш мумкин.

– Туманимизда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви учун Мер-ганча ҳудудидан 39,2 га ер майдони ажратилган, – деди туман ҳокими ўрин-босари Шохруҳ Аликулов. – Унда 2022-2026 йиллар давомида қўлаб лойиҳа-лар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, 2916 хонадондан иборат 58 та кўп қаватли уй-жой қуриладиган. Режада-ги объектларнинг аксарида бунёдкорлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Ўтган йилда 5 ва 9 қаватли 18 та уй, 964 та хонадон барпо этилган эди. 2023 йилда эса 9, 12, 16 қаватли уй-жойлар қурилиши бошланган. Уларнинг ҳаммаси 17 та бў-либ, 908 та хонадонни ташкил этади.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объект-ларини барпо этишга ҳам эътибор қу-чайтирилмоқда. 2 та мактаб, 4 та боғча, 1 та тиббиёт муассасаси қурилади. Айни пайтда ҳудудда бош режа асосида 1 та умумтаълим мактаби ва 1 та мактабга-ча таълим муассасаси қурилиши дав-лат дастури асосида олиб борилмақда. Бундан ташқари, массив ҳудудидан 1 та маийий хизмат, спорт комплекси, ки-нотеатр, ЭКО бозор, IT парк, ҳаммом ва кимёвий тозалаш ҳамда дорихона бино-лари ўрни аукцион савдолари орқали сотилган. Массивда маҳалла биноси, ёнғин ўчириш, ИИБ таянч пункти, Мада-ният уйи, Мотамсаро она ҳайкали, исти-роҳат боғи маҳаллий бюджет ва ҳомий-лик маблағлари ҳисобидан қурилиши режалаштирилган.

Хуллас, улуг режалар йўлида эъти-борли ишлар давом этмоқда. Улар Ур-гутнинг салоҳиятини оширишга, аҳоли турмуш тарзи янада яхшиланишига хиз-мат қилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Оҳангаронда янги уйлар эгаларига топширилди

Шаҳноза МАМАТУРОВА, журналист.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш борасида изчил ислоҳотлар давом этмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани марказининг Нуробод қўрғонида 80 хонадондан иборат 4 ва 5 қаватли арзон турар жой бинолари қурилиб, ўз эгаларига топширилди.

Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги “2021-2022 йилларда Тош-кент вилоятининг Оҳангарон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги қарорига асосан, Нуробод қўрғо-ни Оҳангарон туманининг маъмурий маркази этиб белгиланган эди. Шунга асосан, қўрғоннинг туман маркази си-фатида бош режаси ишлаб чиқилди ва давлат ташкилотлари, банк, кўп қа-ватли уй-жойлар ҳамда бошқа объект-ларнинг қурилиши белгиланди. Ушбу ҳудудда “Халқ банки”, “Агробанк”, “Ипо-тека-банк” ва “Микрокредитбанк” то-монидан кўп қаватли бинолар қурилиб, уларнинг 1- ва 2-қаватлари банк офиси бўлса, қолганлари турар жойлардир.

Айни кунларда яна иккита беш қа-ватли бино қурилиши бошланган. Кам таъминланган ва эҳтиёжманд аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида эса Нуробод қўрғонида жойлашган 2 та бўш турган кўп қаватли уй-жойлар қайта таъмирланди. Таъмирланган уйлар эҳти-ёжманд оилаларга ижара шартномаси асосида берилди.

– Бундан жуда миннатдорман, – деди янги хонадон эгаси Зилола Хошимова. – 3 нафар фарзандим билан ижарада яшар эдим. Энди менинг ҳам ўз уйим бор. Бу ҳаётимдаги энг ёрқин лаҳза-лар бўлиб қолади. Инсон ҳаётдан қач-он рози бўлади? Қачонки, ўз уйига эга бўлса, оиласи билан тинч-тотув яшаса. Бугун шундай имкониятга эга бўлган-лар давлатимиздан миннатдор бўлиб, Янги Ўзбекистонимиз пойдевори янада мустаҳкам бўлиши учун ўз ҳиссасини қў-шишга ҳаракат қилишмоқда.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Импорт ҳажми камаймоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Захирадаги маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиш ва қайта ишлаш ҳисобига тадбиркорлар томонидан турли хилдаги истеъмолбоп материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилляпти. Бунинг натижасида четдан келтириляётган импорт ҳажми кескин камаймоқда. Хусусан, кейинги йилларда республикамиз қурилиш саноатида ҳам маҳаллий хомашёлардан тайёрланган қурилишбоп материаллар кўпайгани ҳисобига янги турдаги инновацион маҳсулотлар сони ортмоқда. Бу эса бунёдкорлик ишларининг сифати янада яхшиланиши ва нархларнинг тушишига шароит яратяпти.

Маълумки, бугунги кунда барча тур-даги қурилиш ва бунёдкорлик ишларига эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу боис, газо-блок, пеноблок, гулқоғоз, шиша талали композит шифер, юмошқ том ёпқич мате-риаллар, иссиқлик сақловчи қопламалар,

базальтдан тайёрланадиган ҳар хил тур-даги маҳсулотларга бўлган талаб ошяпти. Сирдарёлик тадбиркорлар ҳам юртимиз-нинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби маҳаллий хомашёлардан самарали фой-даланиб, қурилиш материаллари ишлаб

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Форишликларни қийнаб келаётган муаммолар ечим топмоқда

Фозилжон ҚОСИМОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Фориш туманининг ички йўларини соз ҳолатга келтириш, мазкур йўналишда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадидаги ишлар аини кунларда қизғин давом этмоқда.



Жумладан, “Гараша” МФЙ ҳудуди-даги Гўробоғзи қишлоғи аҳолисини қишлоққа олиб боровчи йўлнинг но-созлиги қийнаб келаётган эди. Масы-улларнинг ташаббуси билан аҳолини қийнаб келаётган ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида қишлоққа олиб боров-чи ички йўлни кенгайтириш, кум-шағал тўкиб текислаш ишларига киришилди. Бу ишларни амалга ошириш учун Фо-риш туман Ободонлаштириш бошқар-маси ва туман “Автомобиль йўллардан фойдаланиш” давлат унитар корхонаси техника воситалари сафарбар этилган.

“Қўлба” МФИда ҳам бу борада ишлар жадал давом этмоқда. Айни кун-да 890 та хонадонда 4085 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалла фуқаро-лар йўғинининг Ёмбўлоқ, Қўлба, Ми-хин қишлоқларидаги жами 12 километр ички йўлларни кенгайтириш, кум-шағал тўкиб текислаш ишлари бошлаб юбо-рилган.

Шунингдек, Амир Тему

р маҳалласи аҳолисини ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида ҳам бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Халқимизда сув келтирган элда азиз, деган ҳикматли гап бор. Маҳалла аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун жами 21 километр ичимлик сув тармоғи тортилиб, битта сув иншооти, 1 та трансформатор пункти ўрнатилди. Айни кунда ичимлик сув тармоғини аҳоли хонадонларига тортиш ишлари амалга ошириляпти.

Қувонарлиси шуки, Фориш туманида аҳолини қийнаб келаётган муаммола-рини ўрганиш ва ҳал этиш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига қулай яаш шароитларини яратиш бо-расидаги ишлар ҳар бир ҳудудда олиб борилмақда. Аҳоли мурожаатларига асосан масъуллар иштирокида Гўроб, Ойбек маҳаллаларидаги ички йўллар сифатини яхшилаш, аҳолига ва транс-порт воситалари ҳаракатланиши учун қулайликлар яратиш мақсадида босқич-ма-босқич ишлар давом эттириляпти.

Хусусан, Богдон маҳалласидаги Амир Тему

р номли марказий кўчадан ҳар кун

и қўшни Навоий ва Бухоро вило-лятларига, республикамизнинг тур-ли ҳудудларига юзлаб автомобиллар



қатнови амалга оширилади. Ушбу ав-томобиль йўлининг туман марказий шифохонаси тарафидаги қисми таъмир-талаблиги боис аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Фориш туман автомо-биль йўллардан фойдаланиш давлат унитар корхонаси жамоаси томонидан айни кунда ушбу йўл таъмирланиб, Қи-зилқум маҳалласи чорраҳасигача бўл-ган қисмига асфальт қоплама ётқизиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур йўлнинг икки тарафида пиёдалар йўлак-лари бунёд этилган, тунги ёриткичлар ўрнатилгани, ушбу ҳудудда яшовчи аҳо-лига, марказий шифохонага келиб-ке-тувчиларга ҳамда касб-хунар мактабид

таҳсил олувчиларга қўшимча қулайлик-лар яратди.

Бундан ташқари, туманда кейинги йилларда таълимни ривожлантириш, ўқувчилар сони кўп бўлган умумтаъ-лим мактаблари учун қўшимча бинолар бунёд этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида 14 та умумтаълим мактаби учун қўшимча бинолар қуриб фойдаланишга топширилди. Шу ўрин-да, Оқтепа маҳалласида жойлашган 30-умумий ўрта таълим мактабига айни кунда 2 қаватли, 180 ўринга эга бўлган қўшимча бино қурилиши жадаллик би-лан олиб борилаётганини ҳам эътироф этиш жоиз.

Туман ҳокимлиги матбуот хизмати масъулларининг маълум қилишича, Жиз-зах вилоятининг ҳудуд жиҳатдан энг кат-та туманида жорий йил давомида бу каби бунёдкорлик, қурилиш ва ободонлашти-риш ишлари юқори суръатда олиб бори-либ, форишликларни қийнаб келаётган муаммолар бартараф этилади.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Зиёратгоҳ
обод бўлмоқда

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хоразм вилоятининг Шовот туманида Ислом оламининг буюк намояндаларидан бири бўлмиш Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи жойлашган. Бу зиёратгоҳни халқимиз тилида “Улли пир” (Улуғ пир) деб аташади.



Собиқ шўролар даврида қаровсиз қолиб кетган бу зиёратгоҳ 1992-93 йилларда вилоят ҳокими (марҳум) Маркс Жуманиёзовнинг ташаббуси билан қайта таъмирланиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилган эди. Вақт ўз кучини кўрсатиб, орадан 31 йил ўтиб Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи яна таъмирга муҳтож бўлиб қолди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “2022-2026 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ушбу зиёратгоҳни обод қилиш, зиёратчилар учун яхши шароитлар

яратиш ва зиёрат туризмини йўлга қўйиш мақсадида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Зиёратгоҳни Қурбон ҳайити байрами арафасида мукамал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилгани халқимиз кўнглига хушнудлик бағишлади.

Ушбу мажмуада масжид, таҳоратхона, кутубхона, меҳмонхона, хунармандлар уйи ва хизмат кўрсатиш шохобчалари янгидан қурилади. Замонавий лойиҳалар асосида ҳудудда кенг қўламдаги қайта таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ушбу зиёратгоҳни қайта таъмирлаш ишларига 35 миллиард маблаг йўналтирилиб, ҳозирда у ерда 200 нафардан зиёд қурувчи меҳнат қилмоқда.

Дунёга танилаётган Тупроққалъа

Тупроққалъа – Хоразм вилоятидаги янги ташкил этилган энг ёш ва вилоят марказига энг олис туманлардан биридир. Аммо иқтисодий ва саноат ишлаб чиқариш жиҳатидан олдинги сафларда бораётганлиги билан эътиборга молик. Эркин иқтисодий зонага айлантирилган туманда ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда қурилиш соҳаси ҳам жадаллик билан ривожланмоқда.

Халқимизда оққан дарё оқмай қолмас, деган нақл бор. Қадимий қалъалари билан дунёга машҳур бўлган Тупроққалъа кенгликлари бугун у ерда қурилаётган осмонўпар бинолари туфайли танилиб бораётир. Эски қарвон йўллари ўрнида жаҳон андозалари асосида қурилаётган кенг ва равоён йўллар кишининг ҳавасини келтиради. Экин унмайдиған, қўмлоқ, сув бориши қийин бўлган бу кенгликларда халқ тили билан айтганда “Тупроққалъа сити”, яъни “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этилмоқда. Маҳаллий аҳоли 5-6 йил олдин бундай ўзгаришларни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Қатор-қатор бўлиб қад ростлаётган кўп қаватли турар жойлар тайёр ҳолда ўз эгаларига топширилмоқда. Бу эса халқимизда давлатдан рози бўлиш ҳиссини уйғотади, албатта.

Туманда қурилиш ишларини жадал суръатда олиб борилаётганини қуйидаги маълумотлардан ҳам билсак бўлади. Масалан, Хоразм вилоятида жорий йилнинг



1 май ҳолатига кўра, амалга оширилган пудрат ишлари 1335 миллиард сўм бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 103,7 фоизга ошганидан дарак беради. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 681 минг сўмни ташкил этади. Тупроққалъа туманида қурилиш ишлари ҳажми аҳоли жон бошига 728 минг сўмни ташкил қилади. Туманда амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳажми вилоят қурилиш ишларининг 3,2 фоизини ташкил қилмоқда.

2023 йилда туманнинг “Обод” МФЙ ҳудудида жойлашган “Янги Ўзбекистон” массивида 6 та 1 подвездли 5 қаватли 20 хонадонли кўп қаватли турар жой биноси ва 1 та 360 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилоти қурилмоқда. Шунингдек, 4 та 1 подвездли 5 қаватли 20 хонадонли кўп қаватли турар жой биносининг қурилиш ишлари ҳам бошланган.

– Бугунги кунда 20 хонадонли 5 қаватли биноларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда, – деди иш қоритувчи Жасурбек Назаров. – Бинонинг иситиш тизими марказлашган тизимга уланадиган бўлди. Айни пайтда бу ишлар ҳам ниҳоя-

лаб қолди. Ушбу турар жойларнинг ҳар бир қаватида 4 та квартира бўлиб, шунинг учтаси иккита хонали, биттаси эса уч хонали хонадонлар ҳисобланади. Икки хонали квартиралар 46 ва 51 квадрат метр, уч хонали квартиралар эса 62 квадрат метрни ташкил этади. Турар жойларни қуришда энергия тежовчи қурилмалардан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Биноларнинг ташқи қисми қалинлиги 5 см базальт қопламаси билан қопланмоқда. Том қисмига эса қуёш панеллари ўрнатиляпти. Мазкур биноларда яшаш учун барча шароит муҳайё этилган бўлиб, агар хонадон эгалари қурилиш ташкилотининг айби билан бўлган камчиликларга дуч келса, 2 йил давомида шу қурилиш ташкилоти томонидан таъмирлаб бериши кафолатланган.

“Янги Ўзбекистон” массивларида қурилаётган кўп қаватли бинолар олдида болалар ўйин майдончалари ҳам мавжуд бўлиб, бу оилалар учун янада қулайлик яратади. Бундан ташқари, болажонлар учун 360 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилоти қурилиб фойдаланишга топширилиш арафасида. Таълим ташкилоти қарийб 10 миллиард сўм ма-

лағ эвазига қад ростлаган бўлиб, унда болажонлар учун барча шароит яратилган. “Янги Ўзбекистон” массивида 50 ўринга мўлжалланган оилавий шифохона ҳам қурилиб, яқин-орада фойдаланишга топширилади.

– Поликлиника тумандаги Нуробод, Яккачиқир ва Обод маҳаллаларининг 10 500 нафар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади, – деди умумий амалиёт шифокори Аҳмаджон Ражаббоев. – Оилавий шифохона тўлиқ ишга тушгач, у ерда даволанувчилар учун барча шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, туманнинг Ҳазорасп маҳалласидаги 120 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси 1984 йилда қурилган бўлиб, таъмирталаб аҳволга келиб қолган эди. Эндиликда бу таълим ташкилоти капитал таъмирланмоқда. Бунинг учун 2,1 миллиард сўм пул ажратилиб, ишлар жадал суръатда олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугунги Тупроққалъа қиёфаси Янги Ўзбекистонга мос равишда ўзгариб, чирой очиб бормоқда. Бу ердаги ўзгариш ва янгиланишларни Хоразм халқи ўз кўзи билан кўриб, қалби билан сезиб турибди.



ATB “Qishloq qurilish bank” jamoasi
barcha yurtdoshlarimizni


Qurbon hayiti

bilan samimiy muborakbod etadi!



Quant mobil ilovamizni yuklab oling!

www.qishloqqurilishbank.uz

+998 78 150 00 55, 1254







“NAYUTA” МЧЖ ММТ

Рўйхат рақами: №1137264 2022 йил 16 майдаги гувоҳномага асосан.
Юридик манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, “Салар” МФЙ, Нукус кўчаси, 29-уй.

БАЛАНС ҲИСОБОТИ
2022 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	0
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	874 470
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	67
40	11100*	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – факторинг	0
50	12401+12405+12409+12501*+12505*+12509*+12701*+12705*+12709*+14801*+14809*+14901*+14909*+15101*+15109*+15701+15703*+15705**+15707*	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	27 135
51	12499+12599*+12799*+14899*+14999*+15199*+15799	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код – 51 код)	27 135
60	15600*+15709*-15699	Микролизинг, соф	0
70	16500	Асосий воситалар, соф	3 000
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16707+16799	а. Минус: қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код–91 код)	0
100	19900+16100*+16400	Бошқа активлар	909 355
110		Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+92+100)	1 814 027

МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ

		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+21600+22000	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230***	23600	Чиқарилган облигациялар	0
240	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	0
250	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	0
260	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
270	29800+22200*	Бошқа мажбуриятлар	63 000
280		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)	63 000
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	2 134 999
311***	30312+30318-30306-30324	а. Акциялар – оддий	0
312***	30309+30315-30303-30321	б. Акциялар – имтиёзли	0
320***	30600	Қўшилган капитал	0
330	30900	Захира капитали	0
331	30903	а. Умумий захира фонди	0
332	30905+30908	б. Бошқа захира ва фондлар	0
340	31203	Тақсимланмаган фойда	0
350	(40000-50000)+31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	-383 972
360		Жами капитал (310(311+312)+320+330+340+350)	1 751 027
370		Жами мажбуриятлар ва капитал (280+360)	1 814 027

Изоҳ:
* микрокредит ташкилотларига тегишли ҳисобварақ
** ломбардларга тегишли ҳисобварақ
*** акциядорлик жамиятлари шаклидаги микрокредит ташкилотларига тегишли

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги 370-аф-сонли буйруғига мувофиқ АФ 00747-рақамли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот, ташкилотнинг 2022 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосаси мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ
2022 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000+44200*+44701+44705**	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроқарзлар) бўйича фоизли даромадлар	67
130	42100*+44300*+44703*	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	0
140	42300*+44500*+44707*	Юридик шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	0
150	45100*	Микролизинг бўйича фоизли даромадлар	0
160	44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+130+140+150+160)	67
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	0
220	53106+54106	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	53112*+53114*+53118*+53122*+53126*+53196*+54112*54114*+54118*+54122*+54126*+54196*	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
240	54200*	Чиқарилган облигациялар бўйича фоизли харажатлар	0
250	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар	0
260	54900	Бошқа фоизли харажатлар	99
270		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250+260)	99
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-270)	-32
320	56802+56838*+56842	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	-32
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45200	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
420	45400*	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида олинган фойда	0
430	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	0
440		Жами фоизсиз даромадлар (410+420+430)	0
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55100	Қўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	0
520	55300*	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида қўрилган зарарлар	0
530	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	91 796
540		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	91 796
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+440-540)	-91 828
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	169 239
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	114 123
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	8 783
750	56500	Репрезентация ва хайрия	0
760	56600	Эскириш харажатлари	0
770	56700	Сўғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	0
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	292 144
800	56800-56802-56838*-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИК БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	-383 972
		10. ФОЙДА СОЛИҒИ	
1000	56902	Фойда солиғини баҳолаш	0
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	-383 972
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	-383 972

* Изоҳ: жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлардан ташқари.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!

Июнь ойининг сўнгги кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хўжалик ишлари бўлими худуд тозаловчиси **Рустам Агзамов**, хайдовчи **Ихтиёр Абдуҳамидов**, хизмат хоналари фарроши **Феруза Зоирова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш бўлими бошлиғи **Ҳикматулла Маҳмудов**,

“Ташгипрогор” АЖ аҳоли пунктлари ва қурилиш иншоотлари сектори бошлиғи **Гафур Миралимов**, 1-сонли сектор 1-тройфали техник **Диёра Анварова**,

Анджон вилояти, Бўстон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Улугбек Эргашев**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳузуридаги Ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассиси **Дўстмурод Шодиев**, Бухоро шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими котибаси **Шаҳодат Нарзиева**, Когон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Лазизбек Бақоев**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи **Ақбар Абдуразakov**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзақ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Жанызак Садыков**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Азат Курбаниязов**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ижро назорати бўйича инспектори **Юлдуз Мавлонова**,

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Ғофуржон Бегматов**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси раҳбар ўринбосари – вилоят бош архитектори **Фаррух Машарипов**, Хива шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Машарип Исмоилов**, Шовот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилинишини назорати бўйича архитектор **Диёрбек Сапаров**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё туманидаги “Man Bino Ta’mir” бошқарув компанияси МЧЖ бош директори **Алишер Собиров**,

Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги “O’smat-Shaffof-Kommunal” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Моҳира Юнусова**,

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги “Yugnakiy Servis” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Гулнора Қаюмова**, Учтепа туманидаги “Style Ravshan” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Сайид Бедиев**, “Hamkorlik Servise” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Марат Юлдашев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚУМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

Халқимизга хос
мехр-мурувват,
бағрикенглик ва
саховат рамзи
бўлиб келган

Барча
юртдошларимизга
муборак бўлсин.
Осойишталигимиз
бардавом бўлиб,
тиللарда доим
шукроналик сўзи
янграсин!

Самарқанд вилоятидаги
“Univer pro stile” МЧЖ

Кўёш нурининг фойдаси ва зарари

Мамлакатимизда ёз фасли кириб келиши билан ҳавонинг ҳарорати ҳам мунтазам ошиб бораётгани кузатилмоқда. Айниқса, жазирама иссиқда кўёшдан рангли ҳамда кўринмас нурли тўлқинлар ер юзига кела бошлайди. Ерга турли миқдорда етиб келадиган ультрабинафша нурларининг асосий манбаи кўёш ҳисобланади ва кўз илғамайдиган инфрақизил ҳамда ультрабинафша нурлар инсон организмга ижобий ва салбий таъсирини кўрсатади. Инсоният ва ер юзи учун жуда фойдали саналадиган кўёш нурларининг зарарлари, киши саломатлигига таъсири ҳақида билишимиз зарур бўлган яна баъзи бир жиҳатлар ҳақида дерматовенеролог Умида ЛУТПИЛЛАЕВА билан суҳбатлашдик.



– Умида опа, айтингчи, кўёш нури инсонлар учун қанчалик фойдали ёки қай даражада зарарли?

– Кўёшдан тарқаладиган А, В, С тўлқин узунликлари маълум миқдорда инсон организмга салбий таъсир қилади. Қолаверса, меъёридан ортиқ узунликдаги тўлқинлар турли хил касалликларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Айтиш лозимки, ёз фаслида ҳар бир куннинг 14-15 соати кўёшли ҳисобланади. Бунинг дастлабки, 6 -7 соати тушлик вақтига қадар бўлгани саломатлик учун фойдалидир. Айни шу пайтда кўёшдан узатилаётган А, В тўлқинлар инсон терисига камроқ таъсир кўрсатади. С нурлар таркибида эса терида қишиш, қизариш ёки доғни вужудга келтирувчи, онкологик касалликларни пайдо қилувчи моддалар бўлади.

– Жазирама офтобда чўмилишнинг фойдали ва зарарли жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтсангиз.

– Албатта, мунтазам равишда янгилашиб турадиган сувда чўмилишнинг саломатликдаги ўрни бекиёс. Чунки кўёш нурлари таъсирида теридаги айрим бактериялар ўлади ва улар сув орқали танани тарқ этади. Аммо мунтазам равишда чўмилиш ёки жуда узоқ вақт сувда қолиш теридаги ҳимоя қатламига қаттиқ зарар бериши эҳтимоли мавжуд. Ҳимоя қатлами коллаген ва эластин тоналари, ёғ ҳужайралари, қон томирлари, ёғ безларидан таркиб топган бўлади. Ўз навбатида, ҳимоя қатлами зарарланганидан сўнг бошқа органлар ҳам зарар кўради. Шунинг учун терини

қуйдирадиган ёки аксинча, музлатиб юборадиган сувларда ювинишдан эҳтиёт бўлиш керак.

– Кўёш нурида тобланиш тери фаолияти учун зарарли эмасми?

– Бу ҳолатда ҳам яна бир карра “меъёр” тушунчасини эслатиб ўтиш даркор. Ҳаддан зиёд кўп вақт кўёш тўғридан-тўғри териға тушишининг ўзига хос зарарлари мавжуд. Хусусан, терининг барвақт қариши ҳам кўёш нурлари кейинчалик келтириб чиқариши мумкин асоратларидан биридир. Офтоб нурининг салбий таъсирларидан яна бири, томирларни кенгайтириши ва оёқларда варикоз, юзда эса ингичка томирларнинг ёрилишидан келиб чиқувчи қизил доғлар пайдо бўлишига сабаб бўлишидир.

– Ёзда қандай кийимларни кийган маъқул?

– Пахтадан тайёрланган матолардаги либослар ҳар томонлама фойдалидир. Аслида, йилнинг тўрт фаслида ҳам шу хилдаги кийимларни кийган маъқул. Боиси, ҳозир синтетика матоли либослар анча кўпайган. Лекин уларни узоқ муддат кийиб юриш натижасида терининг нафас олиш, моддалар алмашинуви ва бошқа функцияларига зарар етади.

– Кўёш нуридан қандай касалликлар юзага келади?

– Кўёш нури оқибатида пайдо бўладиган касалликлар гуруҳи фанда “фотодерматозлар” деб аталади. Улар асосан терининг бўйин, тирсак,

юз, оёқ, декольте қисмида юзага келади. Баъзи бир терилар борки, улар аллергияга мойил, кўёшга таъсирчан бўлади ва айнан шундай териларда тошма чиқиши, терининг ранги ўзгариши кузатилади. Кўёш нурлари натижасида саратон касаллиги ҳам келиб чиқиши мумкин. Яъни, давомий ва юқори температурали кўёш нурлари теридаги саратон ҳужайраларини кўзғатиб, фотодерматозларнинг кўпайишига олиб келади. Сўнгги йилларда бу касалликка чалинганлар сони ортиб бормоқда.

– Кўёш нури таъсирида пайдо бўладиган касалликлардан ҳимоя усуллари хусусида ҳам айтсангиз.

– Кўплаб беморлар кўёш нурлари таъсирида юзага келадиган “гиперминтация” ҳолати борасида мурожаат қилишади. Вақтида аниқланган касаллик учун зарур чора-тадбирлар кўрамыз. Аслида, касаллик пайдо бўлмасидан аввал, унинг олдини олиш зарурлигини эътироф этмоқчимиз. Жумладан, жазирама офтоб кунларида очик рангли либос кийган ҳолда, албатта, соябонли бош кийимда бўлиш лозим. Шунингдек, мутахассис тавсияси билан кўёшнинг турли зарар келтирувчи нурларидан ҳимоя қилдиган кремлардан фойдаланиш лозим. Бунда албатта, терининг турига қараб фойдаланган маъқул. Кремларни ҳар 2-3 соатда териға янгидан суриш лозим. Чунки ҳар қандай ҳимоя кремнинг таъсир кучи 2-3 соатдан сўнг йўқолади ва улар ортиқ кўёшдан ҳимоя қилмай қўяди.

Анвар ҚОБИЛОВ суҳбатлашди.

Шукуржон момо 116 ёшда

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Шукуржон момо Матёкубова Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Олажа қишлоғи “Ойдин ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Момо республикамиздаги энг ёши улуг инсонлардан бири – у бу йил 116 ёшни қарши олди.

Шукуржон момо Матёкубова асли Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманидан. У 1907 йили таваллуд топган. Хоразмнинг Хонқа тумани аҳолиси билан Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Эллиқалъа тумани халқи азал-азалдан бори-келдили халқ. Қиз олиб, қиз бериб қавм-қардошлик ришталарини маҳкам боғлаган.

Шукуржон момо ҳам қиз бола палаҳмон тоши деганларидек ўз ҳаётини олаҳалик узоқ қариндоши Матёқуб ака билан боғлаб, 1925 йиллари Хонқага келин бўлиб тушган. Воҳада хонлик тузими эндигина ағдарилиб, янги тузум иқтидорга келган даврлар. Юрtdа очарчилик, қийинчилик ҳукмрон. Одамлар бир бурда нон илнжида оғир ва машаққатли ишни қилишга мажбур. Айниқса, воҳани сув билан таъминловчи катта-катта каналларни қўлда қазилишида аёллар ҳам эркаклар қатори ёнма-ён туриб меҳнат қилишга мажбур эдилар.

Шукуржон момо бу ишларнинг барча-барчасида иштирок этган. Ҳатто биргина зогора нон еб, кун бўйи меҳнат қилганликларини бош қайчаб эслайди.

Момо Матёқуб акадан уч нафар фарзанд кўради. Саповой, Собиржон исмли ўғиллари ёшлигида вафот этшган экан. Пешонасига ёзилган биргина фарзанди Сотимбойни 1956 йили ўлимасидан берди. Бу орада турмуш ўртоғи Матёқуб ота ҳам дунёдан ўтди. Фарзанд тарбияси якка ўзига қолди. Момо ўғлини эл қорига ярайдиган йигит қилиб тарбиялади. Ору-ҳавас қилиб уни уйлантирди, келин туширди. Ўғлидан 4 ўғил, 3 қиз невара кўрди. Бугун момомиз ана шу неваралардан 18 нафар чевара ва 7 нафар эвара қўриб пиру бадавлат умргузаронлик қилмоқда.

2022 йили невараси Жонибек ва невара келини Шаҳнозаларнинг фарзанди Алибек дунёга келди. Ҳар куни эрталаб саломга кирган келинининг қўлидан Алибекни олиб эркалитиб, унинг пешонасидан ўпиб қўяди.

Юз билан юзлашиб, ундан ҳам ошиб, икки аср кўрган, замон чиғирликларини бошидан кеңириб, Иккинчи жаҳон уруши қийинчиликларини ҳам ениб, Ўзбекистон Мустақиллигини 84 ёшида қаршилаган пиру-бадавлат Шукуржон момони йўқлаб бордик ва ириқиб суҳбат курдик.

– Моможон, узоқ умр кўришнинг сири нимада? – сўраймиз ундан.

– Ҳамжихатликда, меҳнатда, болам. Ҳар қандай меҳнатдан қочмадим. Сув келса сиимириб, тоғ келса кемириб боравердим. Яратганга беадад шукри “оҳ” тортиб касал бўлиб ётганимни билмаганим, умрида докторга ишим тушмаган, укол олмаган-ман. 100 ёшлигимда ҳам чакдон эдим, болам. Далада ишлардим. Болаларга ёрдамим тегарди. Энди бўлса ёш кетди. Оғир босаркан барибир.

– Матёқуб ота билан қандай яшагансиз?

Бу саволимга момо дабдурустан жавоб бера олмади. Ички бир ҳўрсиниш билан ўша даврларни эслади шекилли.



– Дим яхши яшадик. Чунки у дим яхши одам эди, – деб бир сўз билан яқунлаб қўя қолди. Ахир турмуш ўртоғининг дунёдан ўтганига ҳам 70 йилдан ошди, қолаверса қаричилик.

Момога кўпам савол беравериб толиқтириб қўйишни ўзимизга эп кўрмадик. Шу боисдан бизга ҳамроҳлик қилган кишилар билан суҳбатимизни давом эттирдик.

– Қайинмомога ўзим қараялман, улардан ортсам дала юмушларига ёрдамлашман, – деди кенжа невара келин Шаҳноза. – Момом менга жуда кўп ибратли ривоятларни айтиб берган. Қизиқиб эшитаман.

– Онам бизнинг давлатимиз. Эл-эллат маҳалла-қўй ҳар доим чиқиб уларнинг дуосини, маслаҳатларини олиб туришади. Уйимиздан ҳар куни меҳмон аримайди, – деди салкам етмишга бориб қолган ўғли Сотимбой ака.

– Маҳалла аҳли Шукуржон момонинг ҳолидан доим хабар олиб турамыз. Байрамларда доим йўқлаб совға-саломлар олиб борамиз. Яқинда туманимиз ҳокими ҳам момонинг дуосини олиб кетди, – деди “Ойдин ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Давлатназар Назаров.

Бугун Шукуржон момо фарзанди, неварачеваралари ардоғида. Маҳалла, эл-эллат Онаҳонни доимо йўқлаб туради. У киши ҳам ҳам бундай дориламон кўнларга етказганига шукрона қилиб умргузаронлик қилмоқда. Сафардан қайтар эканмиз, момо бизни узоқдан узоқдоу қилди:

– Бахтли элнинг бахтли болаларисиз, умрингиз узун бўлсин, сизларга мени ёшимни берсин. Юртбошимиз омон бўлсин. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин!

Soliqlarni ixtiyoriy to‘lash mumkinmi?

Feruza ABDUMUTALIYEVA, Toshkent Davlat yuridik universiteti talabasi.

“O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi 16-moddasida “Soliq deganda Soliq kodeksida belgilangan, O‘zbekiston Respublikasining Davlat byudjetiga yoki davlat maqsadli jamg‘armasiga to‘lanadigan majburiy beg‘araz to‘lov tushuniladi” deya yozib qo‘yilgan. Xo‘sh, Soliq kodeksida ham soliqlarning majburiyligi qat‘iyan belgilab o‘tilgan bo‘lsa, ularni ixtiyoriy to‘lash mumkinmi?

O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 30-dekabrda “O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-599-sonli Qonuning 4-moddasi 3-qismiga asosan yagona ijtimoiy to‘lov o‘rniga 2020-yil 1-yanvardan boshlab, ijtimoiy soliq kiritildi. Ushbu soliqning to‘lovchilari etib O‘zbekiston Respublikasi yuridik shaxslari, O‘zbekiston Respublikasida faoliyatni doimiy muassasa orqali amalga oshiruvchi O‘zbekiston Respublikasi norezidentlari bo‘lgan yuridik shaxslar, chet el yuridik shaxslarining vakolatxonalar va filiallari hamda jismoniy shaxslarning ayrim toifalari belgilangan.

Ahamiyatli jihati shundaki, ayrim jismoniy shaxslar mazkur soliq turini ixtiyoriy ravishda to‘laydi. Soliq kodeksining 408-moddasiga muvofiq, yakka tartibdagi tadbirkorlar, yakka tartibdagi tadbirkorlar bilan mehnat munosabatida bo‘lgan jismoniy shaxslar hamda oilaviy tadbirkorlik bilan shug‘ullanuvchi jismoniy shaxslar, “Hunarmand” uyushmasining a‘zosi bo‘lgan hunarmandchilik faoliyati subyektlari, “Usta-shogird” maktablari o‘quvchilari hamda dehqon qo‘jaliklari mazkur soliqning majburiy to‘lovchisi hisoblanuvchi jismoniy shaxslardir.

Xo‘sh, unda kimlar ixtiyoriy to‘lash huquqiga ega va mazkur soliq turidan nima foyda?

Soliq kodeksining 408-moddasi 2-qismiga muvofiq:

- 1) mehnat staji hisoblanishi uchun o‘zini-o‘zi band qilgan shaxslar;
- 2) mehnat shartnomasi asosida chet elda ishlayotgan O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari;
- 3) O‘zbekiston Respublikasi davlat organlari va boshqa tashkilotlar tomonidan chet davlatlarda tashkil etilgan (ochilgan) savdo uylarida, vakolatxonalarda (shu jumladan, yuridik shaxs tashkil etmasdan), tashkilotlarda ishlayotgan O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari;
- 4) ishlamaydigan eri (xotini) uchun soliq to‘lovini amalga oshiruvchi ishlayot-

gan fuqarolar tomonidan yiliga bazaviy hisoblash miqdorining kamida bir baravari miqdorida ixtiyoriy tartibda to‘lanadi. Demak, siz mazkur soliq turini to‘lash paytida uy bekasi yoki chet elda mehnat migrantlari bo‘lsangiz ham, mehnat staji hisoblanib boriladi. Mehnat stajiga ega bo‘lish orqali esa belgilangan yoshga yetganingizda yoshga doir pensiya olish huquqini qo‘lga kiritasiz. Buning uchun siz ijtimoiy soliq to‘lovchi sifatida soliq organi tomonidan ro‘yxatdan o‘tishingiz va yilda 1 marta BHM 1 baravari miqdorida soliq to‘lashingiz talab etiladi.

Shuningdek, VMQ-806-son qaroriga muvofiq, o‘zini-o‘zi band qilgan shaxslar mehnat daromadi olishga yo‘naltirilgan, jismoniy va yuridik shaxslarga xizmatlar ko‘rsatish, ishlarni bajarish bo‘yicha shaxsiy mehnati bilan ishtirok etishga asoslangan faoliyatni mustaqil amalga oshiradigan, yakka tartibdagi tadbirkorlar sifatida ro‘yxatga olinmagan. Mehnat staji hisobga olinishi va rag‘batlantiruvchi imtiyozlardan foydalanish huquqiga davlat soliq xizmati organlarida ro‘yxatdan o‘tkazilgan jismoniy shaxslar kiradi. Boshqacha qilib aytganda, o‘z ishini o‘zi topib, uni o‘zi bajarish orqali daromad ko‘radigan jismoniy shaxslar o‘z-o‘zini band qilgan jismoniy shaxslar hisoblanadi.

Mazkur toifaga kiruvchi shaxslar tomonidan ham VMQ-806-son Vazirlar Mahkamasi qaroriga muvofiq, mehnat staji hisoblanishi uchun belgilangan miqdorda ijtimoiy soliq to‘lanadi va mazkur summa to‘lig‘icha O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Pensiya jamg‘armasiga yo‘naltiriladi. Undan kelib chiqqan holda yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun belgilangan tartibda pensiya hisoblash uchun daromad hajmi aniqlanadi. O‘zini-o‘zi band qilgan shaxsni davlat soliq xizmati organlarida ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi esa O‘zini-o‘zi band qilgan shaxs maxsus mobil ilova yoki soliq to‘lovchining shaxsiy kabineti orqali yoxud davlat soliq xizmati organiga kelgan holda amalga oshiriladi.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусакхҳ	Марҳамат Мусулмонқулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наширёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎЗАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100035, Тошкент шаҳри,
Ниязбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:
Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навобий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-637.
1732 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 5 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоиси қелишчилган
нашрда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган кўпёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» наширёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.
Навбатчи – М. Ҳайдаров.

ЎЗА якуни – 00.50.
Топпирилди – 01.30.

1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 19 июндаги “Қурбон хайитини
нишонлаш тўғрисида”ги қарорига асосан
2023 йил 30 июнь дам олиш куни этиб белгиланиши
муносабати билан газетанингинг ушбу сони
30 июнь кунини қишқир режалаштирилган
сонин билан қўйишган ҳолда чоп этилган.
Газетанингинг калгуси сони 4 июль кунини чиқади.